


# ГУЛИСТОНЛИК ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПДИ



Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудудида жойлашган Гулистон маҳалласи ёшлари билан ўтказилган “Ҳоким ва ёшлар учрашуви”да бир гуруҳ ёшларнинг муаммоларига ечим бўлди.

Учрашувда тадбиркорлик қилиш, ишга жойлашиш, тикув мошинаси олиб ўзини-ўзи банд қилиш каби масалалар билан ёшлар туман ҳокимига мурожаат йўллашди.



Жумладан қуён боқиб кўпайтириш истагини билдирган Хайдаров Дилшодбек, Ўроқова Гуласалга шу жойнинг ўзида қуён берилди.

Деҳқончилик билан шуғулланиб қўшимча даромад топишни ўз олдига мақсад қилган Акмал Бекмуродовга эса “Ёшлар дафтари” га киритилиб е-аукционда иштирок этиш учун зарур маблағ тўлаб бериди.